

эмоциональных впечатлений, вызывающих возникновение жизненных и художественных ассоциаций;

- расширять и обогащать мир эстетических переживаний учащихся, помогающих углубленному пониманию музыкального искусства [5].

нию музыкального искусства [5].

Все вышеизложенные материалы мы думаем окажут большую помощь в формировании творчески исполнительских качеств будущих учителей музыки в школе.

Литература

1. Арчажникова Л. Профессия – учитель музыки. -М.: «Просвещение», 1994. –С.17.
2. Ахмедходжаева Н. «О роли публичного выступления в формировании музыканта исполнителя. //Вопросы музыкальной педагогики и исполнительства». -Т.: Таш.Г.У, 1995. -С.27-28.
3. Асафьев Б. Избранные статьи о музыкальном просвещении и образовании – -Л.: Музыка, 1973. –С.16-20.
4. Цыпин Г. Обучение игре на фортепиано (учебное пособие) -М.: «Просвещение», 1994. –С. 92-105.
5. Халилов Ф.Н. Дидактические основы инструментально-исполнительской подготовки будущих учителей музыки. Учебное пособие. -Т.: 2006. –С. 75-94.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бўлажак мусика ўқитувчиларининг касбий малакаларини шакллантиришда ижодий тафаккурнинг ўрнини аниқлашга доир маълумотлар берилган бўлиб унда қолғу ижрочилик маҳоратларига тегишли методик тавсиялар берилган. Бу мусика ўқитувчилари учун қатта ёрдам беради.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена проблеме формирования о будущих учителей музыки образного мышления необходимого в развитии их концертно-исполнительских качеств в их педагогической деятельности. В ней даются также методические рекомендации для развития их профессиональной деятельности.

SUMMARY

The article is devoted to the issue of forming creative thinking in future teachers of music, necessary for the development of their concert-performing qualities in their pedagogical activity. It contains methodical recommendations of their professional activity.

БЎЛАЖАК ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ БАДИЙ-КОНСТРУКТОРЛИК МАҲОРАТЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШИ

М.Р.Нурметов - ассистент ўқитувчи
А.А.Сейитниязова – ассистент ўқитувчи
Урганч давлат университети
Ш.О.Қаллиқлишов - қатта ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: бадий-конструкторлик, интеллектуал-ижодий, абстракт, объектив, визуал, конструктив-фантастик, интуитив, метафорик, импровизационный.

Ключевые слова: художественно-конструкторское мастерство, интеллектуально – творческое умение, абстрактные, объективные, визуальные, конструктивно - фантастические, интуитивные, метафорические, импровизационные умения.

Key words: art-designing skill, intellectual-creative skills, abstract, objective, visual, constructive-fantastic, intuitive, metaphorical, improvisational skills.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилари томонидан мактабда ва хозирги вақтда олий ўқув юрларида эгалланган бадий-конструкциялаш маҳоратлари, кўникмалар ва қобилиятлар аудиториядан ташқари машғулотларда ривожлантирилади ва такомиллаштирилади.

Бадий-конструкторлик маҳорат - мавжуд бўлган тасаввурлар асосида вужудга келади ва бадий-конструкциялаш бўйича интеллектуал-ижодий вазибалар (фикрлашнинг ҳар хил турларида) бажарилади. Бунда аввалдан мавжуд бўлган энг самарали методлар, усуллар, услублар ва методик ориентирлардан фойдаланилади. Бадий-конструкциялаш фикрлашнинг қуйидаги: гоъвий-маъновий, образли, мантикий-аналитик, амалий ва визуал-қўриш, композициявий, худудий, ҳажмий-худудий ҳамда бадий, ижодий тасаввур ва тасаввурий, интуитив, метафорик, импровизациявий турларига бўлинади [2: 27].

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида фикрлаш: **тасаввурий – абстракт ва объектив идрок** қилиш асосидаги, **вазиятли – визуал** асосдаги, **ўз тасаввурининг образини яратиш**, унча ҳам реал бўлмаган манзарани идрок қилишдаги **конструктив – фантастик, хусусий –фантастик гоъ** каби қуйидаги интеллектуал – ижодий маҳорат ва қобилиятларнинг қандай шаклланиши асосида қўрилади. Топширилган ижодий тасаввурга қаратилган (масалан, ўз расмида акс эттирилиши билан мусика воситасидаги) ижодий-фикрлаш қобилият қандай шаклланишини, бадий – конструкторлик билимлар ва бадий-конструкторлик маҳорат асосидаги интеллектуал – ижодий вазибалар, бадий – конструкциялаш ечимининг мисолларини тасаввур этамиз.

Абстракт ва объектив идрок қилиш асосидаги – **фантазиялар**. Фантазиявий фикрлаш қуйидаги тизимда бўлади: **“Таассурот = хотира-тажриба=**

фикрлаш-ҳаёл = англаш = қайта тиклаш (расмда)= ўз-ўзини муҳокама этиш”. Роршах методи бўйича “сиёҳ доғлари” методикасидан фойдаланилади. **Мақсад:** аморф доғ контурларида маълум бўлган объектлар билан илжои борица кўпирок ўхшашликларни аниқлашдир. Талабаларни объектив идрок қилиш ва субъектив англаш тарзда дадил ҳаёл суришга (ҳаттоки, нореал фантазиявий образлар келиб чиқаради) йўналтирилади. Оддий нукта билан фантастик трансформация ўтказишда нукта методикасидан фойдаланилади. Натижада, грамматик нукталар ва кўп нукталар; тугма, кичкина шарча, копточка, қатта шар, ер, қуёш, қора тешик чексизликнинг диалектик образи ҳосил қилинади. Табиийки, умумлаштириш натижасида оддий нуктадан конкрет нарса фантастик абстрактга айланди. **“Тасаввур – образ”** формуласи исботланди. Бадий – конструкциялаш жараёнида ҳаёл суришнинг айнан шундай маҳорати зарур. Ҳаёл – “психик образ, тасаввурнинг меваси – воқеликдан бироз ажралган бадий ижоднинг муҳим элементидир” [5:367].

Визуал асосдаги вазиятли фикрлаш. 12 та битта сўздан иборат бўлган қуйидаги ёзувли вазиятли расмчалар номлари методи билан (А.Я.Дудецкий бўйича,–1,143–148 модифицирланган)фаолаштирилади: бир сўзли ном, кўпсўзли ном (12 та сўздан фойдаланган ҳолда) Масалан, кичик манзара: хиёбондаги ўриндикда газета ўқиётган одам, ёнидан битта эркак (йўловчи) унинг дўстона саломига ҳеч қандай эътибор бермай ўтирганга (ўқиётган) салом бериб ўтиб кетмоқда.

12 та бир сўзли ёзувлар – танлаб олиш йўли билан:

1. Газета
2. Саломлашиш
3. Яхшилик
4. Хиёбон
5. Дам олиш
6. Ғурур

7. Пиёда
8. Ҳато
9. Диққатсизлик
10. Китобхон
11. Паришонхотирлик
12. Хафалик

Кичик манзара талабалар томонидан бир сўзда шундай номланади: **“Яхшилик”, “Эътиборсизлик” ва “Хафалик”**. Демак, унинг эмоционал-психологик контекстга урғу берилади. Кўп сўзли ном: **“Саломлашиш – ва хафалик”, “Эътиборсизлик ёки зурур”, “Яхшилик ва эътиборсизлик”**. Бу ерда ахлокий-этик аспект позициялаштирилади. Талабалар шу тарзда бадий конструкиялаш ечимда албатта зарур бўлган сюжет-вазятли аспектни ўзлаштирадilar.

Ўз тасаввурининг образини яратиш.

1-топшириқ. Эмоционал-ҳиссий ва фантастик тасаввур кучи билан, аслида йўқ бўлган янги образни яратиш. Образ ҳудуд ва вақтда кўринадиган шаклда бўлиши лозим, фантастик бир бутунга (расмда) бирлаштирилган фантастик композициялар бўлиши мақбул.

2-топшириқ: “Мўъжизалар мамлакати образлари” Фантазиялаш ва ассоциациялаш орқали ўсимлик, ҳайвонот ва ўлик табиат дунёси воситасида “ўз” бўюмларидан композициявий комбинациялар тузиш. Мақсад: объектларни танлаш, комбинаторлик усуллар воситасида фантастик образларни шакллантириш, расм мазмунини тушунтириш. Яратилган образларнинг “персонал” образи натижалари қуйидагилар: **“Одам образидаги капалак”, “Денгиз-образи: сокин, тўлқинланувчи, ваҳимали-мавж урувчи”, “Қуш - балиқ - одам”, “Параллел дунёда”, “Фантастик туш”** ва ҳ.к.. Уларда катта фантазия, кенг интеллектуал характер ва анъанавий композициявий стереотип чегарасидан чиқиш мавжуд. Сюжетлар: статик, динамик структуравий муносабат турларидан иборат образлар асосида ташкил топади. Фантастик вазят бу – акцентуациясининг воситаси сифатида “фигуравий синтез” кучлантирилганидир, агглютинирлаш эса “руҳлантирилган” йўналишга эга бўлади. Ҳамма нарсa фикрлаш ёрдамида бошқарилади. образнинг қатъий композицияси ва мазмундорлиги аён бўлади. Мавжуд бўлмаган комплекс образини яратиш ғояси бадий-конструкциялаш жараёнида жуда зарур бўлган талабаларнинг фантазиявий қобилиятини максимал даражада фаоллаштиради.

Конструкторлик-фантастик идрок қилиш– унча реал бўлмаган суратда тасвирланган.

1 –топшириқ. “Ўрдак қайиқда, шляпада” расми таклиф этилади. Ўрдак образидаги реал ва фантастик сюжет тўғрисида мулоҳаза юритиш.

Саволлар:

1. Нима тасвирланган? 2. Ҳақиқатга яқинми ёки фантастикми? 3. Нимаси ўйлаб чиқилган? 4. Нима учун ҳақиқатга яқин деталлар расми фантастик деб ҳисоблашга ҳалакит бермайди?

Талабалар хулосалари: фантастик образдаги реал деталлар ҳалакит бермайди, аксинча, улар унинг нореал образининг ёкинлигини кучайтиради.

2-топшириқ. кўрсатилган объектлар (кушча, илон) билан фантастик расмларнинг энг коп сонини яратиш.

Натижа: “Мумкин бўлмаган дўстлик”, “Илон-кушлар альянси” “Олдиндан мўлжалланган турли вазибалар”, “Деталлар билан алмашиши” ва бошқа мавзулар бўйича расмлар яратиш.

3-топшириқ. Топшириқ мураккаблашади: ғайриоддий композицияли (расмда) фантастик образнинг бадий-конструкиясини яратиш, образ мазмуни ва конструкторлик ечими моҳиятидан фойдаланиш (уни тушунтириш)га тайёр бўлиш.

Натижалар: “Ернинг инграши” рамзлар образлари: йиғлаётган, азобланган Ер бошқа сайёраларга қўлини узатмоқда, “ “SOS” мадҳияси”: “Қизил китоб”га киритилган ҳайвонлар хори ўзининг қутқарилишига мадҳия қўйламоқда, “Ойдаги учрашув”: космонавтларнинг Ойдаги ойликлар билан мулоқот қилиши ва бошқалар.

Изох: Энг ёрқин расмлар жамоавий тарзда муалифлар иштирокида ўрганилади ва муҳокама этилади.

1, 2, 3 топшириқлар бажарилишининг бориши, натижалари ва муҳокамаси устидан кузатишларни жамлаган ҳолда хулосалар чиқарамиз ва улар билан талабаларни таништирамиз.

Топшириқларни бажариш натижасида талабаларда фантазиявийлик ва ижодкорлик фаоллашади, мураккаб образларни яратишга қизиқиш пайдо бўлади, образнинг формал конструкциялинишига интилиш кузатилади, фантазия ва ижодий тасаввурга эга бўлган тенденция кўзга ташланади. Бу эса бадий-конструкциялашда катта аҳамиятга эгадир. Структуравий жиҳатдан боғланган функциявий жиҳатдан умумий бўлган кўп компактли объектларнинг контактли жойлашуви, уларнинг дистантли жойлашуви, композициявий усулнинг танланиши, образларнинг композициявий мослиги, уларнинг мазмунан ўзига хослиги ва маъновий юзи каби образларга мурожаат қилиш кузатилади.

Контактли жойлашиш композициясида – горизонтал, вертикал, диагонал каби жойлаштиришлар қўлланилади бу ерда образлар, тасаввурлар ва хотира, уларнинг структуравий-мазмуний сифатлари ва типик хусусиятлари, кўпинча яхлит бўлади. Талабаларнинг интеллектуал-ижодий ишлари натижасидаги бундай тасаввур образлари, асосан, динамик сюжетларда жойлашган бўлиб, улар мазмунан турлича яратилади. демак, тасвирий санъатнинг бўлажак ўқитувчиларида бадий конструкциялаш фикрлаш бўйича асосланилади.

Хусусий –фантастик ғоя

Бадий – конструкциялашда объектнинг унинг фантастик образи билан суҳбат ўтказилади ва хусусий – бадий фантастик образини (расмда) яратиш таклиф қилинади.

Тасаввурни фаоллаштирувчи ва фантастик, бир бутунни асословчи бу масалани, ҳаёл суриш фактини тасдиқлаган ҳолда, машҳур итальян ёзувчиси Джаннини Родари бир қадар бошқачароқ кўриб чиқади . Бу феноменга Д.Родари “ҳаёл биноми” номини берди [3:45].

Талабаларга ўз хусусий – фантастик ғояси тўғрисида ўйланиш ва унинг яратилишини тушунтириш таклиф этилади. Кейин ўйлаб кўриш: жамоада фантастик ғоялар вужудга келиши мумкинми? Талабалар жамоасида спонтан-инпровизирланган ғояларнинг туғилиши бўйича практикум ўтказилади.

Мақсад: ғоялар комплекси бўйича ҳаёл суриш учун оддий жамоавий маиший, потенциал-ижодий вазиятни яратиш. Объект – битта талабанинг оригинал-муаллифлик сушқаси (кўчма маънода). **Вазифа:** фантазия ва юморни қўшган ҳолда сушқа ўйини туридаги муҳокама қилинади; конструкторлик – лойиҳавий масалалар сифатида ифодаланиши мумкин бўлган қутилмаган ғояларнинг қандай вужудга келишини, спонтан ижодий жараёни кўрсатилади. Дж.К.Джонс қуйидагича таърифлайди: “Спонтан фикрлаш ташкилий фикрлашга таъсир қилади ва аксинча” [4:169].

Демак, оддий ҳаётий вазиятдаги ҳаёл суриш учун маиший саҳначанинг импровизацияси иштирокчилари – талабалар гуруҳи; битта талаба – объект, аниқроғи - унинг ўзи томонидан тайёрланган сумкаси, ниҳоятда

сиғимли ва қулай, қисқаси, унда унинг деярли барча элементлари функционал жиҳатдан ўйлаб кўрилган. Сумканинг муҳокамаси бошланади, бунда суҳбатдошлар, аввало, ўзининг қойил қолганлигини айтадилар, кейин эса уни такомиллаштириш тўғрисида ўз фикрларини айтадилар. Бунинг устига ўз фикрини айтишлар тез равишда, худди коптукни бир-бирига оширишдек бажарилади. Гапираётганининг сўзини ҳеч ким билмайди. Суҳбатни олиб боришда суҳбатдошларнинг юзлари жиддий кўринишда бўлади.

Буни фойдасиз ақл ўйини, импровизациявий машқ қилиш деб номласа бўлади.

Бундай оддий тажриба талабаларни аҳил ижодий жамоада қизиқарли ғояларнинг келиб чиқиши мумкинлигига ишонтиради.

Талабалар ўзининг етарли даражадаги чуқур бадий – конструкторлик билимлар ва бадий-конструкторлик маҳоратларини намоён этишлари, бадий

конструкциялаш масалаларини дадил-ижодий, индивидуал ва жамоавий тарзда ҳал қилишлари, дизайнерлик ижодининг бадий конструкциялаш концепциясига эга бўлишлари, маъно–мазмуний юки, композициявий текислиги, чизикларининг гўзаллиги, ёрқин образлилиги ва ифодали эстетикаси билан ажралиб турган тўлақонли, индивидуал-оригинал дизайнерлик маҳсулотларини яратишларига эришишлари зарур.

Тасвирий санъат бўлғуси ўқитувчилар, қайси мазмун, қайси шакл, қайси методлар, усуллар, услублар ва воситалар билан мактаб ўқувчиларида бадий-конструкциялашга бўлган қизиқиш ва қобилиятни шакллантиришни билишлари ва ўз бадий-конструкторлик билимлар ва бадий-конструкторлик маҳоратни бўлғуси педагогик фаолиятга қаратишлари муҳим.

Адабиётлар

1. Дудецкий А.Я. Теоретические вопросы изображения и творчества. – Смоленск: 1984.
2. Радчук Л.И. Основы художественного конструирования: Учебное пособие для вузов. – М.: «Легпромбытгиздат», 1989.
3. Родари Дж. Грамматика фантазии. Введение в искусство придумывания историй: Пер. с итальянского. – М.: «Прогресс», 1988.
4. Джонс Дж.К. Методы проектирования. Пер. с англ. 2-ое изд., доп. – М.: «Мир», 1988 М.: «Мир», 1988.
5. Эстетика. Словарь. – М.: Издат.политлит. 1989. – С. 446.
6. Хасанов Р.Х. Эстетическое воспитание учащихся средствами искусства. – Тошкент: 1989.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бўлажак тасвирий санъат ўқувчиларининг бадий-конструкторлик маҳорати ва кўникмаларини аудиториядан ташқари машғулотларда ривожлантириш масалалари кўриб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

В статье внимание акцентируется на развитии способностей и навыков художественного конструирования у студентов во время внеаудиторных занятий.

SUMMARY

In the article the attention is focused on the development of abilities and skills of art designing of students during out-of-class lessons.

«ОЛИЙ НЕРВ ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ ЁШГА ОИД ХУСУСИЯТЛАРИ» МОДУЛИНИ ЎҚИТИШДА «БИРГАЛИКДА ЎҚИЙМИЗ» МЕТОДИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Г.Палъанова – катта ўқитувчи

Д.Марасулова – талаба

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: нерв системаси, рефлекс, темперамент, динамик стереотип, невроз, дистресс, стресс.

Ключевые слова: нервная система, рефлекс, темперамент, динамик стереотип, невроз, дистресс, стресс.

Key words: nervous system, reflex, temperament, dynamic stereotype, neurosis, distress, stress.

Таълим-тарбия жараёнида ўқитувчилар томонидан интерфаол методларни ўринли, мақсадли, самарали қўлланилиши талабаларда мулоқотга киришувчанлик, жамоавий фаолият юритиш, мантикий фикрлаш, мавжуд ғояларни синтезлаш, таҳлил қилиш, турли қарашлар орасидаги мантикий боғлиқликни топа олиш қобилиятларини тарбиялаш учун кенг имконият ярағи. Шу сабабли олий таълим тизимида интерфаол методларни қўллаш муаммоларини ўрганиш назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Хамкорликда ўқитишнинг «Биргаликда ўқиймиз» методи 1987 йили Миннесота университети профессорлари Д.Жонсон ва Р.Жонсонлар томонидан ишлаб чиқилган. Талабалар 5 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратилади. Хар бир гуруҳ дарсда бажарилиши лозим бўлган топшириқнинг маълум қисмини бажаради. Гуруҳлар топшириқларни тўлиқ бажариши натижасида ўқув материалнинг яхлит ўзлаштирилишига эришилади. Мазкур методнинг асосий принциплари-командани такдирлаш, талабаларга индивидуал ёндашиш, муваффаиятларга эришиш учун бир хил имкониятларни вужудга келтириш саналади.

Дарснинг мавзуси: Олий нерв фаолияти ва унинг ёшга оид хусусиятлари.

Дарснинг таълимий мақсади: Талабаларни Олий нерв фаолияти ва унинг ёшга оид хусусиятларининг ўзига хос жиҳатлари ва аҳамияти билан таништириш.

Дарснинг тарбиявий мақсади: организмга ташқи

муҳитнинг таъсири, зарарли одатлар, уларнинг зарарли оқибатларининг олдини олиш, нутқ ва мулоқот маданиятини шакллантириш.

Дарснинг ривожлантириш мақсади: Олий нерв фаолияти ҳақидаги билимлари, мавзуси устида мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш.

Дарснинг жиҳозлаш: муляжлар, проекцион материаллар, тарқатма материаллар, мультимедиа.

Дарсда фойдаланадиган технология: Хамкорликда ўқитиш технологияси.

Дарснинг бориши:

I.Ташкилий қисм

II.Талабаларни дарс мавзуси, мақсади, бориши билан таништириш ва уларнинг фаолиятини ўқув топшириқларини бажаришга йўллаш.

III.Янги мавзунини ўрганиш

а) кичик гуруҳлар томонидан белгиланган ўқув топшириқларининг сифатли бажарилишига эришиш

Мазкур мавзу матни куйидаги мантикий тугалланган фикрли қисмларга ажратилади.

1. Олий нерв фаолияти физиологияси мақсади, ва-зифаси, ривожланиш тарихи ва ўрганиш методлари.

2. Рефлекслар ва уларнинг ҳосил бўлиши механизмлари, шарт -шароитлари

3. Олий нерв фаолиятининг нейродинамик типлари

4. Олий нерв фаолиятининг психик хусусиятлари

5. Асаб бузилиши ва унинг олдини олиш, кун тартиби ва унга риоя қилишнинг аҳамияти.